

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.11501664>

## МАМЛАКАТИМИЗДА ТУРИЗМ ОҚИМИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР

**Раматов Мурат Қалбаевич**

Навой давлат педагогика институти  
Тарих факультети 3-курс талабаси

*Аннотация.* Мазкур мақоламизда бугунги кунда мамлакатимизда туризмни ривожлантиришидаги турли чора-тадбирларнинг олиб борилиши ва туризм юналишларига булган катта етибор, ҳамда туристлар сонини кўпайтириш тадбирлари тоғрисида суз юритилади.

*Калит сўзлар:* фармон, қарор, туризм, туризм ёналишлари турист, замонави меҳмонхоналар.

Бугунги ривожланган давлатларнинг барчасида туризм соҳаси давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада кўплаб ислохатлар амалга оширилаётганини кўришимиз мумкин.

Президентнинг 12.01.2024 йилдаги ПФ-9-сон «Республикага хорижий туристлар оқимини кескин ошириш ҳамда ички туризмни янада жадалтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Бу фармон асосида туризм соҳаси бўйича кўпак ишлар амалга оширилди.

Туризм салоҳияти юқори даражада деб белгиланган туман ва шаҳарларда замонавий меҳмонхоналар (жойлаштириш воситалари) ва майдони 5 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган савдо-кўнгилочар мажмуаларидан иборат туризм марказларини, шунингдек «Зомин» туристик-рекреацион зонаси, «Чимён» халқаро умуммавсумий курорти ва «Амирсой» тоғ-чанғи курорт зонаси ҳудудида бож туловлари олинмайдиган ва йирик халқаро брендларнинг савдо дўконларидан иборат бўлган йирик савдо комплексларини барпо қилиш каби истиқболли ишлар режалаштирилган.

Туризм лойиҳаларини молиялаштириш хар бир соҳада булгани каби жуда муҳим ва долзарб масалалардан биридир. Туризм соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун 200 млн АҚШ доллари эквивалентида туризм кредит линияси очилди. Мана шулардан 50 млн АҚШ доллари – оилавий

тадбиркорликни такомиллаштириш дастурлари бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга ажратилган маблағлардир, 150 млн АҚШ доллари – Туризм қўмитаси ва тижорат банклари томонидан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари томонидан жалб қилинган маблағлардан иборатдир.

Бугунги кунда туризмни жадал ривожлантириш мақсадида тадбиркорларга кўплаб қўшимча имтиёзлар тақдим етилмоқда. 2024-йил 1-мартдан 2026-йил 1-мартга қадар тадбиркорлик субъектлари томонидан тасдиқланган рўйхатга кўра олиб кириладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган қуйидаги товарлар божхона тўловларидан озод этилади:

1. меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари, савдо-кўнгилочар мажмуаларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар, техника, хомашё, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, мебель ва инвентарлар, қурилиш ва бошқа материаллар;
2. чўмилиш ҳавзалари (бассейн) ва аквапарклар учун мўлжалланган асбоб-ускуналар, жиҳозлар, турникетлар, тўлов-маълумот терминаллари, видеокузатув тизимлари, янги замонавий энергия тежовчи тизимлар, махсус сув тозалаш фильтрлари;
3. туризм масканларида жойлашган заргарлик ва олтин маҳсулотлари чакана савдоси дўконлари фаолиятини ташкил қилиш учун керак бўладиган қурилиш (реконструкция ва модернизация қилиш) материаллари, асбоб-ускуналар ва технологиялар.

Мўйноқ ва Зомин аэропортларига парвозлар амалга оширилганда 23 ёшгача бўлган ёшлар, ёшга доир пенсия олувчилар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун авиайўловчилар чипталарини сотиш 50 фоизлик имтиёзли тарифлар бўйича амалга ошириладиган бўлди. Хамда йўловчи ташувчи компанияларнинг ушбу имтиёз тақдим қилиш билан боғлиқ харажатлари республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши борасида чоралар кўрилди.

Туризм қўмитасига – қўшимча вазифалар.

Ҳужжатга кўра Туризм қўмитаси зиммасига қуйидаги қўшимча вазифаларни юкланди:

1. жойдарда туризм бозорининг ишк бир неча турдаги сегментларига мўлжалланган ва ҳунармандчилик фаолиятининг ҳар бир йўналишларини такомиллаштиришга юналтирилган егкдш дастурларни ишлаб чиқилган холда бу дастурларни амалга оширилишини мувофиқлаштириш;
2. миллий ҳунармандчилик, айниқса сувенир маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ва сифатини, туристлар учун улар жозибадорлигини

янада ошириш, шунингдек хунармандчилик маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш;

3. хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қулай шароитларни яратишга қаратилган қонунчилик базасини такомиллаштириш, халқаро меъёр ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш.

Ҳужжат билан қуйидагилар тасдиқланган:

1. 2024 йилда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида туризмни ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари;
2. Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари томонидан 2024 йилда хорижий туристларни Ўзбекистонга жалб қилиш режа-жадвали;
3. Хорижий ва маҳаллий туристлар оқимини янада ошириш, шунингдек зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича «Йўл харитаси»;
4. Хитой Халқ Республикаси, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Араб давлатлари ва Россия Федерациясидан туристларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 18.01.2024 йилдан кучга кирди.

Хурматли Президентимизнинг 26.04.2023 йилдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ҳужжат ЎзАда эълон қилинган.

Ҳужжат билан ҳудудларнинг туризм салоҳиятини оширишга кўмаклашиш мақсадида олий таълим ташкилотларига бириктирилган ҳудудлар рўйхати белгиланди ва уларга қуйидаги вазифалар юклатилди:

- ҳудуднинг туризм соҳаси бўйича имкониятларини ўрганиш, ҳудуд ва шу ҳудуднинг тарихи, туристик жойларини ва ўзига хос бўлган хусусиятлари борасида европа ва бошқа тилларда контентлар яратиш, уларни тарғибот қилиш;
- назарий билим ҳамда амалиётнинг мутаносиблигини таъминлаган ҳолда профессорлар билан ўқитувчиларнинг сай ҳаракатлари, талабаларнинг туризм йўналишидаги назарий билимларини амалда қўллаш;
- жойлардаги халқ томонидан туризм йўналишида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва бу соҳа кадрларининг малакасини оширишда йордамлашиш.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига Транспорт вазирлиги билан ҳамкорликда икки ой вақт мобайнида 2023-йил учун Давлат бюджетидан маҳаллий авиақатнов йўналишларини субсидиялаш мақсадида қўшимча тарзда 30 млрд сўм миқдорида маблағ йўналтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

2023 йил 1-майдан бошлаб:

1. 2024 йил 1 июлга қадар туроператор хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига чет эллик ҳамкорларига турпакетлар бўйича тақдим этилган ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚСнинг 20 фоиз миқдоридаги маблағлар республика бюджетидан субсидия сифатида қайтарилади. Бу ҳолда турпакетлар жойлаштириш, автомобиль ёки темир йўл транспорти, экскурсия ва овқатланиш бўйича хизматлар, 5 нафар ва ундан ортиқ норезидентларга хизматлар кўрсатишни назарда тутиши керак;

2. 2026 йил 1 майга қадар маҳаллий туроператорлар, туризм соҳасида жойлаштириш хизматларини кўрсатувчи ёки автомобиль транспортида йўловчиларни ташиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятида йўловчиларни ташишда фойдаланиладиган ва ҳайдовчи билан бирга 10 ва ўндан ортиқ ўриндиққа эга бўлган ҳамда ишлаб чиқарилганига 5 йилдан ортиқ бўлмаган транспорт воситаларини (ТИФ ТН кодлари 8702 10, 8702 40, 8702 90) Ўзбекистон ҳудудига олиб киришда ҚҚСни фоизлар ҳисобланмаган ва уларнинг тўланишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда 12 ой муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади.

Ҳужжат билан қуйидагилар тасдиқланди:

- 2023 йилда Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида туризмни ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари;
- 2023 йилда республика ҳудудидаги туризм ва маданий мерос объектларига олиб боровчи автомобиль йўллари таъмирлаш ишларининг манзилли рўйхати;
- 2023 йилда туризм соҳасидаги ва туризм соҳасида ўтказиладиган маданий-кўнгилочар тадбирлар бўйича мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этиш бўйича “йўл харитаси”;
- Мамлакатнинг туризм соҳасини ривожлантириш бўйича республика ишчи гуруҳи таркиби;
- Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари томонидан 2023 йилда хорижий сайёҳларни Ўзбекистонга жалб қилиш бўйича режа-жадвал.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Махмудов Муҳаммадисмоил Мухитдинович (2018). Андижон вилояти туристик салоҳияти ва унинг минтака ривожланишига таъсири. Экономика и финансы (Узбекистан), (6), 21-26.
2. Туризм соҳасидаги қонунлар. [www.Uzbekistan.travel](http://www.Uzbekistan.travel)
3. Узбекистон Республикасига туристик мақсадларга келген ва кетган шахслар. 25.01.2021. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)